



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь кuni бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бағишлайди.

Сайловда ишончли ғалабангиз Ўзбекистон халқининг Сизга ва Сизнинг раҳбарлик салоҳиятингизга бўлган юксак ишончининг ифодасидир. Сизнинг доно раҳбарлигингизда Ўзбекистонда тараққиёт ва фаровонлик йўли давом эттирилишига ишонаман.

Покистон Ўзбекистон билан дўстлик муносабатларини гоёт юксак қадрлайди. Бу алоқалар кўп асрлик диний, маданий ва тарихий ришталар билан мустаҳкамланган. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам янада ривожланиб бораверишига аминман. Бу борада Сиз билан яқин ҳамкорлик қилишга тайёрман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Самимият билан,

**Муҳаммад Навоз ШАРИФ,
Покистон Ислон Республикаси
Бош вазири**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин дилдан самимий табриклар, халқингиз фаровонлиги ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Самарали ҳамкорлик ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларимизни инобатга олиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқларимизнинг манфаатларига хизмат қилиш мақсадида барча соҳалардаги ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтариш учун Сиз билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёрман.

Самимият билан,

**МУҲАММАД VI,
Марокаш Қироли**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Малайзия ҳукумати ва халқи номидан Сизни Президент сайловида ғалаба қозонганингиз билан самимий муборакбод этаман.

Сайловдаги ишончли ғалабангиз Ўзбекистон халқининг Сизга мамлакатни янада тараққий эттириш, фаровонлик ва тинчликни мустаҳкамлашга қодир раҳбар сифатида юксак даражадаги ишончидан далолатдир.

Ўзаро самарали муносабатларни янада кенгайтириш мақсадида яқин ҳамкорлик қилиш учун Сиз билан учрашишни сабрсизлик билан кутаман.

Дўстона муносабатларимиз бундан буён ҳам ривожланиб, халқларимиз манфаати йўлидаги ҳамкорлигининг турли соҳаларини қамраб олишига аминман.

Ҳурмат билан,

**Дато Сри Моҳд НАЖИБ,
Малайзия Бош вазири**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам жаноб Президент!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан Хорватия Республикаси фуқаролари ва шахсан ўз номидан муборакбод этаман.

Ушбу масъулиятли лавозимда мамлакатингиз тараққиёти ва халқингиз фаровонлиги йўлида муваффақиятли фаолият олиб боришингизга ишонаман.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ҳамкорлигимизни, хусусан, иқтисодиёт соҳасидаги алоқаларимизни янада кенгайтириш мақсадида Хорватия — Ўзбекистон муносабатларини изчил ривожлантиришимизга ишончим комил.

Жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Коланда ГРАБАР-КИТАРОВИЧ,
Хорватия Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан Фаластин давлати, халқи ва шахсан ўз номидан чин дилдан самимий табриклар руҳат бергайсиз. Ўзбекистон халқининг эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳурмат ришталарини қадрлаймиз, халқларимиз умумий манфаати йўлида барча соҳалардаги муносабатларни бундан буён ҳам кенгайтириш ва ривожлантиришга тайёرمىз.

Ўзбекистон Республикаси Фаластин халқини доимо қўллаб-қувватлашини юксак қадрлаймиз.

Жаноби Олийлари, энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон ва унинг халқига тараққиёт, фаровонлик тилайман.

**Маҳмуд АББОС,
Фаластин Давлати Президенти,
Фаластин Озодлик Ташкилоти
Ижроия Кўмитаси Раиси**

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўлаган:

«Чайна рейлвей танел груп» бошқаруви раиси — **Юй Баолян**

Япония фан ва технологиялар агентлиги президенти — **Мичинари Хамагучи**

«Агротек» компанияси президенти, жамоат арбоби (Австрия) — **Борис Кандов**

Германия — Ўзбекистон жамияти президенти — **Вольф Бауэр**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

фаолиятимизни тубдан кучайтиришимиз зарур

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция-мизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган Олий Мажлис

палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларида илгари сурилган ғоялар, ҳаётий ташаббуслар мазмун-моҳияти, партия ташкилотлари, депутатлар олдида турган долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Хатамжон Кетмонов маъруза қилди.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ



«ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШНИ ХОҲЛАЙМИЗ»

«Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди

«Ҳар бирида ўзига хос шижоат, аниқ мақсад ва мустаҳкам ирода мужассам. Бу қайси замон фарзандлари? Албатта, мустақил юртнинг бахтиёр ёшлари, менинг зукко тенгдошларим. Улар билан бир сафда эканимдан фахрланаман!..»

«Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловининг республика босқичини кузатар экан, сирдарёлик иштирокчи Жамшид Баратовнинг кўнглидан ана шундай сўзлар ўтди.

Дарҳақиқат, ўз ҳудуди шарафини ҳимоя қилишга бел боғлаган ҳар бир йигит-қиз танловга пухта ҳозирлик кўргани, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур ўргангани, ўз устида астойдил ишлагани яққол намоён бўлди.

► Давоми 2-бетда.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Сирдарёда «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят адлия, молия, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар масъул ходимлари иштирок этди.

Ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқини муҳофаза қилишда Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун имзоланган келишув алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжат ўз навбатида жойлардаги ҳудудий келишувлар ҳамда энг қуйи бўғинда амалда қўлланилаётган жамоа шартномалари мазмун-моҳиятини ўзгартириш, бойитиш ҳамда меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш имконини бермоқда. Ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, жамоа шартномалари орқали кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонуничилигига риоя этилиши устидан жамоат назоратини кучайтириш каби йўналишларда тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Тадбирда «Иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалаларида ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўллари», «Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш борасида банк тизими олдида турган вазифалар», «Ижтимоий соҳани молиялаштириш масалалари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**А.КАҲОМОВ,
ЎЗА муҳбири.**

«ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

■ «Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан,
қатъият билан давом эттирамыз»

Аввал хабар берганимиздек, 15-17 декабрь кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг якуний, республика босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг Қорақалпоғистон Республика, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичлари ғолиблари «Лойиҳа тақдими», «Савол-жавоб» ва «Нотиқлик санъати» шартлари

асосида билимларини намойиш этишди. Умумий натижаларга кўра, хоразмлик иштирокчи Элнур Каримов учинчи ўринга лойиҳа топилди. Пойтахтлик иштирокчи Абдулвоҳид Пазилдиннов эса иккинчи ўринни қўлга киритди. Танловнинг мутлоқ ғолиблиги фарғоналик Моҳидил Қурбоновага насиб этди. Қолган иштирокчилар турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Кўрик-танловнинг тақдирлаш қисмида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Хатамжон КЕҲМОНОВ билимли ва интеллектуал салоҳияти юқори ёшлар ҳақида салимий фикрлар билдирди. Барчани кириб келаётган Янги йил билан табрикланди. Интилувчан ва фаол ёшларнинг фикрлари билан қизиқдик.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП:
УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

фаолиятимизни тубдан
кучайтиришимиз зарур

Партия ташкилотларининг электорат вакиллари билан мулоқот механизминини қайта кўриб чиқиш, қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсирини кучайтириш, уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги ролини ошириш, бу борада фракция фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарур, деди партия етакчиси. Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, Марказий ва минтақавий кенгашлар, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари зиммасига тегишли вазифалар юклатилди.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузасида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига кириштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев. — Ислохотларнинг халқимиз турмуш фаровонлигида акс этишида маъқур ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Шу пайтга қадар айрим мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятига эътиборсизлиги натижасида йиғилиб қолган ўткир ижтимоий масалаларга ечим топишда бу механизм яхши самара беради. Барча даражадаги депутатлар бунинг учун англаган ҳолда, ўз фаолиятига қатъий ёндашишлари лозим. Электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларимизни тубдан кучайтириш талаб этилади.

— Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, узоқни кўзлаб айтилган тақлифлар ҳар биримизни ўз ишимизга ҳолис баҳо беришга, керакли хулосалар чиқаришга ундади, — дейди Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси Дилором Абдурахимова. — Келгуси йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», деб эълон қилиниши фаолиятимизни чуқур таҳлил қилишга



даъват этди. Биз одамлар орасига, ҳаётга чуқур кириб боришимиз, бунинг учун биринчи навбатда партияимизнинг Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтиришимиз лозим. Бу жараёнда фойдаланилмаган имкониятларни алоҳида эътиборга олиш талаб этилади.

— Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, ўз мустақил ишини бошлаш ниятидаги юртдошларимизнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Робия Казимова. — Президентимиз маърузасида бу борада бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Уларнинг амалга оширилиши партияимиз электорати ҳисобланган ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобатлашишга тайёр бўлмаган кишилар манфаатларига хизмат қилади, албатта.

Шунинг учун партияимиз гуруҳлари сессия ёки доимий комиссияларга масала кириштишда ташаббус кўрсатиши, қонунлар ва давлат дастурлари бажарилишини депутатлик назорати тартибидан изчил ўрганиши зарур. Бу давлат органлари мансабдор шахсларнинг ижтимоий масалалар бўйича ҳисоботлари эшитишнинг доимий йўлга қўйишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Гулрух ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

«Ватанимиз равнақига ҳисса қўшишни хоҳлаймиз»

«Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди



Мирзоҳид
ШОДМОНОВ,
танлов
иштирокчиси,
Жиззах вилояти:

— Жиззах давлат педагогика институти талабасиман. Мактабдаги устозларимдан чексиз миннатдорман. Уларнинг меҳнати туфайли давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Инсон болалигида турли соҳаларга қизиқар экан. Мен ҳам бошқа болалар каби учувчи, космонавт, генерал бўламан, дер эдим. Вақт ўтгани сайин қизиқишларим орзуга, орзуларим аниқ бир мақсадга айланди. Англадимки, энг аввало, оиламга нафим тегадиган, ота-онам фخرландадиган инсон бўлиш менга кўпроқ бахт бераркан.

Оилада 6 нафар фарзандимиз. Акам олий маълумотли. Укам мен таҳсил олаётган институтнинг хорижий тиллар факультетида ўқийди. Опаларим ҳам ўзлари қизиққан соҳаларда меҳнат қилишяпти. Муҳими, инсон ҳаётидан мамнун бўлиб яшаши ва қилаётган ишидан роҳатланиши керак, деб ўйлайман.

Танловдан бир олам таассурот олдим. Кўп нарсани ўргандим. Тенгдошларимга унда қатнашиб, омадларини синаб кўришларини тавсия қиламан.

Танловнинг мутлоқ ғолиблиги фарғоналик Моҳидил Қурбоновага насиб этди. Қолган иштирокчилар турли номинациялар бўйича тақдирланди.



Нигматилла
АБДУЎҚОРОВ,
танлов иштирокчиси,
Тошкент вилояти:

— Танловга келишимдан олдин синглим мен ҳам бораман, деб туриб олди. Аввалига, бироз нуқулдайек туюлса-да, кейин унинг келганидан хурсанд бўлдим. Чунки ҳар бир шарт давомида унинг даврада борлиги менга куч-қувват бағишлади. Саволларга жавоб бериш, тақдим этилган лойиҳалар хусусида ҳакамлар хайъатининг фикрларини тинглаш ва албатта, дўстларим, яқинларимнинг қўллаб-қувватлашини кўриш мароқли бўлди.

«Келажака қадам» — иқтидорли ва ташаббускор ёшлар интернет тармоғи лойиҳасини тақдим этдим. Кўзлаган мақсадим касб-хунар коллежлари битирувчилари, умуман, ёшларнинг ишга жойлашиши учун қулай, замонавий усул жорий этишдан иборат. Яъни, мазкур сайтда ҳар бир соҳа учун алоҳида саҳифалар ташкил этилади. Ишга жойлашишни истаган йигит-қизлар ундан ўзларининг касбий кўникмаларини ошириш бўйича керакли тавсиялар, фикрлар ва саволларига жавоб олишлари мумкин бўлади.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Азиза
ҚЎЗИБОЕВА,
танлов
иштирокчиси,
Қашқадарё
вилояти:

— Коллежни битиргач, олий ўқув юртига кириш учун имтиҳон топширдим. Лекин омадим келмади. Келажақда ҳуқуқшунос бўлишни орзу қиламан. Бунинг учун тарихимизни, дунё тарихини, қонунларни яхши билишим керак. Ўқиш ва изланишдан тўхтамайман. Ушбу танловда тайёргарлик кўриш ва унда қатнашиш жараёнида кўп нарсани ўргандим. Бундан хурсандман.



Хуришда
БОБОЖОНОВА,
танлов
иштирокчиси,
Наманган
вилояти:

— Косонсой туманида «Аёллар ва ёшлар соғломлаштириш маркази»ни ташкил этиш лойиҳасини тақдим этдим. Бу орқали хотин-қизларни спортга жалб қилиш ҳамда соғломлаштириш имкони ортади. Шунингдек, коллеж битирувчилари иш билан таъминланади. Хотин-қизлар учун турли ўқувлар ташкил этиш, уларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб қилиш масалалари ҳам кўзда тутилган.



Моҳидил
ҚУРБОНОВА,
танлов ғолиби,
Фарғона
вилояти:

— Танловда юртимизнинг барча ҳудудларидан энг кучли, билимли ва ташаббускор ёшлар йиғилган. Энг аввало, улар билан бир сафда туриб вилоятим шара-

фини ҳимоя қилганимдан хурсандман. Иштирокчилар орасида энг ёши кичиги бўлганим учунми, уларнинг салобати босди, ҳаяжоним жуда кучли эди. Шунда менга ишонч билдирган яқинларим, устозларим кўз олдимга келди. Ҳаяжонимни енгиб, фикрларимни бир жойга жамлашга ҳаракат қилдим.

Мақсадим лойиҳамни шунчаки тақдим этиш эмас, балки уни келажақда амалга оширишдан иборат. Танловда ғолиб бўла олмадим. Аммо бу билан тўхтаб қолмайман. Лойиҳамни рўёбга чиқариш ҳаракатида бўламан.

Тўғриси айтсам, танловнинг мутлоқ ғолиби сифатида исм-шарифим ўқилганда кулоқларимга ишонмадим. Хурсандчилигимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Бу ғалаба менга янада катта масъулият юклайди. Бу юксак ишонччи оқлашим керак.

Тўғриси айтсам, танловнинг мутлоқ ғолиби сифатида исм-шарифим ўқилганда кулоқларимга ишонмадим. Хурсандчилигимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Бу ғалаба менга янада катта масъулият юклайди. Бу юксак ишонччи оқлашим керак.

Танловдан кейинги мулоҳазалар

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад сиёсий билимга чанқоқ ёшларни рағбатлантириш ҳамда уларга йўл-йўриқ кўрсатишдан иборат, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбасари Рустам Комилов. — Танловнинг асосий шартларидан бири ижтимоий лойиҳа тақдими ҳисобланади. Бу шарт орқали партияимиз дастурий мақсад-вазифалари ёшларнинг нигоҳида қандай ечим топишини ўзимиз учун белгилаб оламиз, янгича ёндашувларни кутамиз. Танлов давомида қизиқарли, асосли лойиҳалар тақдим этилди. Бундан жуда хурсандимиз.

Ёшларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, ўзимизга бир қанча вазифаларни ҳам белгилаб оламиз. Келажақда ёшлар билан ишлашда қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратишимиз

кераклиги юзасидан хулоса чиқариш имкониятига эга бўлди.

— Ўғлим Муслимбекни қўллаб туриш учун Андижондан синглим билан бирга келдик — дейди Корасув шахридаги 19-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси Иродахон МАМАДАЛИЕВА. — Унинг муваффақиятларидан жуда ҳам хурсандман. Унинг ҳар бир ютуғи, у ҳоҳ кичик бўлсин, ҳоҳ катта, менга ўзгача гуруҳ бағишлайди. Оиламизда ўғлимни ҳамisha қўллаб-қувватлаймиз. Мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ, бошқа тенгқурларидан ажралиб турарди.

«Ёш сиёсатчи» танловида иштирок этиш ҳақида айтганида, бемалол тайёргарлик кўриши учун қулай шароит яратиб берди. Чунки танлов фақат беллашиш учун эмас, ёшларимизнинг

Бугун дадам қўллаб-қувватлаш, менга мадад бўлиш учун Тошкентга бирга келди. Дадам хусусий тадбиркор. Кўп ишлайди, сафарда бўлади. Лекин акам ва мен учун, вақт ажратади. Доим ўқишимиз билан қизиқамиз. Ўзи ўқиган даврлар билан ҳозиргисини таққослаб, бизга ўрнак бўладиган гапларни кўп айтади. Яратилган имкониятлардан тўлақонли фойдаланаман, албатта, келаси йили ўқишга қираман.



Перизат УРАЗАЛИЕВА,
танлов иштирокчиси,
Қорақалпоғистон Республикаси:

— Болалигимдан бироз ўжарман. Бирор нарсасига қўл урсам, натижага эришмасдан кўнглим тинчмайди. Шундан бўлса керак, ўғил бола дўстларим ҳам бор. Улар салимий, садоқатли ва ҳар қандай вазиятда ёрдамга қўл қўйишади. Буларни айтишимга сабаб, «Ёш сиёсатчи-2016» кўрик-танловининг Республика босқичига чиқишимда ҳам улар қўлдан-қўл ёрдам беришди.

Танлов орқали ўз иқтидоримни синовдан ўтказдим, сиёсий-ҳуқуқий билимимни мустаҳкамлашга эришдим, янги дўстлар ортирдим. Ўз ҳудудимда биринчи бўлиш яхши. Республикада биринчилик учун беллашиш ўзимга бўлган ишончни оширди. Зукко, кенг тафаккурли тенгдошларимни кўриб, фخرландим. Бир нарсани ишонч билан айта оламаники, бу танлов менинг депутатлик сари қўйган илк қадамым бўлди.

салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади, деб ўйлайман.

«Ёш сиёсатчи-2016» кўрик-танлови ниҳоясига етди. Бу йил унинг барча босқичларида 20 000 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. Уларнинг ҳар бири ўз ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий равақига билан боғлиқ лойиҳаларини тақдим этишди. Мамлакатимизда демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш масалаларига оид қўллаб-қувватлашга жавоб беришди. Ўнг муҳими, бу жараёнларда улар фикрлашди, келажақ ҳақида мулоҳаза юритишди, ҳаёт ҳақида кенгрок тасаввурга, ёрқин таассуротга эга бўлишди. Бу таассуротлар ёшларнинг қалбида бир умр сақланиб қолади, уларни янги марраларга руҳлантиради.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ БАРЧА
БОСҚИЧЛАРИДА 20 000 НАФАРГА ЯҚИН ЙИГИТ-ҚИЗ ИШТИРОК ЭТДИ.

РЕКЛАМА ВА ТАБРИКЛАР

СПОРТ

Полвонларнинг сараси

пойтахт гиламларида голиблик учун
кураш олиб бормоқда

Пойтахтимиздаги «Универсиал» спорт мажмуасида юнорум, эркин ва аёллар кураши бўйича мамлакат чемпионати кизгин давом этмоқда.

Мусобақада дастлаб юнорум кураши усталари медаллар учун баҳс юриштиди. Унда Исроҳил Баҳромов (59 кг, Тошкент), Мирзобек Раҳматов (66 кг, Бухоро), Фазлиддин Намозов (71 кг, Тошкент), Жалғас Бердимуратов (75 кг, Қорақалпоғистон), Дилшод Турдиев (80 кг, Тошкент), Муҳаммад Шамсиддинов (85 кг, Бухоро), Жаҳонгир Турдиев (98 кг, Тошкент) ҳамда Мўминжон Абдуллаев (130 кг, Самарқанд)ларга тенг келадиغان рақиб топилмади.

— Якунланаётган мавсум юртимиз полвонлари учун унутилмас давларни ҳаёда этгани шубҳасиз, — дейди юнорум кураши бўйича **Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Комил Фатхуллин**. — Курашчиларимиз кўплаб йирик халқаро турнирлар, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, шунингдек, Рио-де-Жанейрода ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида муносиб қатнашдилар. Рио-де-Жанейро олимпиадасида юнорум кураши бўйича Элмурод Тасмуродов, эркин курашчиларимиз Ихтиёр Наврузов, Магомед Ибрагимовларнинг бронза медаллари билан тақдирлангани меҳнатларимиз бесамар кетмаётганини кўрсатиб берди. Ўзбекистон чемпионатида кўплаб истеъдодли полвонларнинг беллашувларида гувоҳ бўлдим. Мусобақа якунида бир қатор янги номлар кашф этилди.

Чемпионатнинг аёллар ўртасидаги баҳсларида Асалхон Собирова (48 кг), Нодири Собирова (53 кг, иккиси ҳам — Хоразм), Шаҳодат Жулибоева (55 кг), Севара Ешмуратова (58 кг), Асем Сейдаметова (60 кг), Набира Есенбаева (63 кг), Нилуфар Гадоева (69 кг), Лолаҳон Уринбоева (75 кг, барчаси — Қорақалпоғистон)лар олтин медал билан тақдирланди.

Эркин кураш бўйича ўтказилган дастлабки кунги беллашувларда туртта вазн тоифасида голиб ва совриндорлар аниқланди. Унда Ғуломжон Абдуллаев (57 кг, Хоразм), Муҳаммадкарим Усмонов (65 кг, Сирдарё), Дайбек Отарбоев (74 кг, Қорақалпоғистон) ҳамда Баҳодир Аслонов (97 кг, Навоий)лар шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Эркин **ХОЛБОБО**,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ Байрамингиз муборак бўлсин!



AGROBANK

«Агробанк» АТБ жамоаси халқимизни кириб келаётган 2017 йил билан қутлайди. Янги йил юртимизга қут-барака, тинчлик фаровонлик, ҳар бир хонадонга файзу тароват олиб келсин.

Банк ўз миждозларига

«Agrobank Mobile»

иловаси орқали қатор тўлов хизматларини тақлиф этади.

Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK

www.agrobank.uz
тел. (+99871) 203 88 88

«ҚАРШИ ЁҒ - ЭКСТРАКЦИЯ»

акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили билан муборакбод этади.

Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида амалга ошираётган хайрли ишларингизда омад тилайди!

Маҳсулотлар сертификатланган.